

Рўзада дил билан ният қилиш кифоями?



12:10 / 16.04.2021 2306

Ният сўз луғатда қасд қилиш, шариатда эса бирор ишни қилишда Аллоҳ таолога ибодат қилишни ва Унга яқин бўлишни қасд қилишдир. Рўза дуруст бўлиши учун дилда ният қилиш шарт, тилда талаффуз қилиш эса шарт эмас. Фиқҳий китобларда «тилда талаффуз қилиш суннат», дейилганидан мурод машойхларнинг таълим мақсадида йўлга қўйган суннатларидир. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тил билан ният қилиш собит бўлган эмас.

Умдатул-Фиқҳ